«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Тошкент тиббиёт академияси
ректори, профессор
_____Л.Н.Туйчиев
«26» декабрь 2019 йил

Тошкент тиббиёт академияси Илмий Кенгаши йиғилишининг
__7__сонли БАЁНИ

Тошкент шаҳар «25» декабр 2019 йил

Раислик қилувчи: Л.Н.Туйчиев - Тошкент тиббиёт академияси ректори, профессор

Қатнашдилар: Тошкент тиббиёт академиясининг Илмий Кенгаш аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. ОМҲ факультетининг 20 йиллиги: амалга оширилган ислоҳотлар, истиқболли режалар

Маърузачи–Олий маълумотли ҳамшира факультети декани Ш.Х.Бакиева

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўтарилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус юзасидан тиббиёт академиясида олиб борилаётган ишлар

Маърузача – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш

Маърузачи – Комиссия раиси

4. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш

Маърузачи – ОТМ кенгаш котиби

5. Турли масалалар.

Ректор Л.Н.Туйчиев Республика танлови ғолибларини “Энг яхши профессор” номинацияси бўйича Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор А.О.Охуновни, “Энг яхши доцент” номинацияси бўйича Атроф-муҳит гигиенаси кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, доцент Ф.И.Саломовани, “Энг яхши илмий тадқиқотчи” номинацияси бўйича Травматология, ортопедия, харбий дала жарроҳлик ва нейрожарроҳлик кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори С.У.Асиловани, хамда тиббиёт бўйича фалсафа доктори (PhD) дипломини олган ходимлар Н.Х.Йулдашевани- ички касалликлар кафедраси ассистенти, Ю.Норметовни - педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси, Б.Э.Билаловни – ТТА клиникаси ординатори, доцент аттестати олган М.И.Базарбаевни – информатика ва биофизика кафедраси мудири ва талабалар орасида спорт бўйича ғолибларни - Тошкент шаҳри Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида спортнинг армрестлинг тури бўйича ўтказилган “Тошкент шаҳар кубоги” мусобақасида Даволаш факультети талабаси Э.Муҳаммаджонов 2-ўрин соҳиби хамда Тошкент шаҳри Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида спортнинг кураш тури бўйича Тошкент темир йўллари муҳандислик институти кубоги мусобақасида Даволаш факультети талабаси Б.Муҳаммадалиев 3-ўринни эгаллагани билан табрикландилар.

Шу билан бирга ректор Л.Н.Туйчиев Тошкент тиббиёт академиясида “Коррупциясиз соҳа” бўйича ишлар тўғрисида хамда коррупцияга қарши курашишда ТТАда фаолият кўрсатаётган Жамоатчилик Кенгаши ва жамоат ташкилотларининг вазифалари хақида маълумот берди.

Кун тартиби овозга қўйилди ва бир овоздан қабул қилинди.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Илмий кенгаш мажлисида ректор Л.Н.Туйчиев 2019 йил Тошкент тиббиёт академияси эришган ютуқлари ва истиқболли режалари тўғрисида маъруза қилдилар (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ахборот учун қабул қилинсин.
2. Кун тартибининг биринчи саволи бўйича, Олий маълумотли ҳамшира факультети декани Ш.Х.Бакиеванинг “ОМҲ факультетининг 20 йиллиги: амалга оширилган ислоҳотлар, истиқболли режалар” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ахборот учун қабул қилинсин.
3. Кун тартибининг иккинчи саволи бўйича, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратовнинг “Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўтарилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та ташаббус юзасидан тиббиёт

академиясида олиб борилаётган ишлар” мавзуси бўйича маъруза қилди (маъруза матнда келтирилган). Маъруза ахборот учун қабул қилинсин.

3.1. ТТА мураббийлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича ишлар янада такомиллаштирилсин.

Масъул – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

3.2. Президент томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббусда талабалар қамрови кенгайтирилсин.

Масъул – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

3.3. Талаба-ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб борилсин.

Масъул – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

3.4. Талаба-ёшлар учун Ахборот технологиялари бўйича саводхонлик дарслари ва тўгараклар фаолияти самарали йўлга қўйилсин.

Масъул – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, кафедра мудирлари
Муддат – доимий

3.5. Талабалар фаолиятида Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотининг ахамияти сезиларли даражада оширилсин.

Масъул – Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

3.6. Талабалар турар жойларида яшовчи талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш жараёнларига профессор-ўқитувчилар иштироки кўпайтирилсин.

Масъул –Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А. Бобомуратов, деканлар, бўлимлар, кафедра мудирлари

Муддат – доимий

3. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга ва илмий унвонга сайлаш бўйича кенгаш котиби Г.А.Исмаилова ахборот берди ва танлов бўйича кафедра мудири лавозимига 2 та, доцент унвони учун 1та -номзодларни хужжатлари билан таништирди (1- илова).

4. Диссертация, монография ва ўқув-услубий ишлар мавзуларини тасдиқлаш бўйича кенгаш котиби Г.А.Исмаилова таништирди. (2 илова).

5. Турли масалалар.

5.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни саклаш ва Олий таълим вазирликларидан келган буйруқлар билан ички назорат инспекцияси ва мониторинг бўлими бошлиғи профессор Ў.М.Миршарапов таништирди (3-илова).

5.2. ТТА 2017-2020 йилларида мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар грантлари бўйича моддий рагбатлантириш фонди тасдиқлансин (4-илова).

5.3. 2019-2020 ўқув йили магистратура мутахассисликларида қўшимча ўқишга қабул қилинганларнинг мавзулари ва раҳбарлари ҳамда мавзуси ўзгарган магистр талабаларнинг рўйхати тасдиқлансин.(5-илова).

Қарор овозга қўйилди ва бир овоздан тасдикланди.

Кенгаш ўз ишини якунлади.

Олий таълим муассасаси
кенгаш котиби Г.А. Исмаилова

Ўқув ишлари бўйича
проректори Ш.А.Боймурадов

ТТА илмий ва инновацион ишлар
бўйича проректори Ф.Л.Азизова

ТТА ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Т.А.Бобомуратов

Даволаш ишлари бўйича проректор М.Ш.Каримов

Ички назорат ва мониторинг
бўлими бошлиғи Ў.М. Миршарапов